

Рамазон муждаси (учинчи қисм)



08:00 / 13.03.2025 2858

Рамазон имкониятлар ойи. Уни муносиб шаклда ўтказган кишига жуда кўп эшиклар очилади. Бу борада эса сизга ушбу тавсиялар асқотади деган умиддамиз:

64. Дўсту биродарларнинг эҳтиёжларини раво қилиш.

65. Аллоҳ йўлидаги дўстлардан ҳол-аҳвол сўраб кўргани бориб туриш.

66. Касалларнинг ҳолидан хабар олиш.

67. Қариндош-уруғлар гарчи, алоқаларни узган бўлсалар-да, улар билан борди-келди қилиш.

68. Муслмонларнинг кўнгилларини кўтариб, хурсанд қиладиган ишларни амалга ошириш.

69. Қийналиб қолган кишининг ишини енгиллатиш.
70. Заифхол кишиларга нисбатан раҳм-шафқатли бўлиш.
71. Ўзаро низо чиққан, бир-бири билан юзкўрмас бўлиб кетган инсонларнинг орасини ислоҳ қилиш.
72. Гўзал хулқли бўлиш.
73. Ҳаёли бўлиш.
74. Ростгўй бўлиш.
75. Босиқ, кечиримли, мулойим бўлиш.
76. Кўришганда қўл бериб саломлашиш.
77. Очиқ юзли бўлиш.
78. Савдода бағрикенг бўлиш.
79. Аллоҳ таоло ҳаром қилган нарсалардан кўзни тийиш.
80. Яхшиликка чақириб, ёмонликдан қайтариш.
81. Солиҳлар, яхши инсонлар билан бирга бўлиш.
82. Тил ва бошқа аъзоларни номақбул ишлардан сақлаш.
83. Пайғамбар алайҳиссаломга кўп салавот айтиш.
84. Яхшилик қилишга ва эзгу ишларга далолат қилиш.
85. Инсонлар Аллоҳ таолони танишига сабабчи бўлиш.
86. Инсонларнинг айбларини беркитиш.
87. Сабрли бўлиш.
88. Бирон бир гуноҳ иш қилиб қўйса, икки ракъат намоз ўқиб тавба қилиш.
89. Ҳайвону жонзотларга ҳам шафқатли бўлиш.
90. Инсонлардан тама қилмаслик.
91. Кўп таҳлил («Лаа илааҳа иллаллоҳ») ва тасбеҳ айтиш.

92. Садақаи жория бўладиган амалларни қилиш.
93. Савдо-сотикда ростгўй бўлиш.
94. Муслмонлар ғам-ташвишини аритиш.
95. Муслмон ва бошқаларга зиён бермаслик.
96. Ўзгаларга ёрдам қўлини чўзиш.
97. Ота-онанинг дўстлари билан ҳам борди-келди қилиб алоқани узмаслик.
98. Ширин сўзли бўлиш.
99. Қўл остидаги ишчи-ходимларга шафқатли бўлиш.
100. Бир солиҳ амални оз-оз бўлса-да, бардавомлик ила бажариш.
101. Қўни-қўшниларга яхши муносабатда бўлиш.
102. Меҳмонларни иззат-икром қилиш.
103. Ота-онанинг ҳаққига дуо қилиш.
104. Дўсту биродарининг ҳаққига ғойибона дуо қилиш.
105. Муслмонларнинг ҳаққига дуо қилиш ва Аллоҳ таолодан уларнинг гуноҳларини кечиришини сўраш.
106. Масжидларнинг тозалигига ҳисса қўшиш.
107. Турмуш ўртоғи билан яхши муносабатда бўлиш.
108. Ўз аҳли оиласига таълим-тарбия бериш.
109. Бирор кишига жабр қилган бўлса, ундан розилик олиш ва зиммасидаги ўзгаларнинг моддий ва маънавий ҳақларини адо этиш.
110. Ёмонлик кетидан уни ювиб юборадиган яхшилик қилиш.
111. Омонатга хиёнат қилмаслик ва аҳдга вафо қилиш.
112. Каттани ҳурмат, кичикни иззат қилиш.
113. Ўзгаларнинг ғам-қайғуси ва дардига шерик бўлиш.
114. Тилни ёмон сўзлардан сақлаб, фақат яхши сўзларни айтиш.

115. Мусулмонлар обрўсини сақлаш.
116. Қалбни бахиллик ва ҳасаддан пок тутиш.
117. Инсонлар орасида адолат билан ҳукм қилиш.
118. Мусулмонларга яхши ишларда кўмаклашиш.
119. Бошига кулфат ёғилган кишига ёрдам бериш.
120. Яхшиликка чақираётган кишининг чақирғига «лаббай» дейиш.
121. Яхши иш қилган кишига миннатдорчилик билдириш ва муносиб мукофотлаш.
122. Рамазоннинг рўзасини тўлиқ тутгандан сўнг шаввол ойидан олти кун рўза тутиш.

«Рамазон соғинчи» китобидан олинди

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитасининг 2021 йил 11 февралдаги 03-07/905-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.